

Хуррамов Баҳодир Саппарович,
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси, “Электрон таълим” бўлими
ходими

РАҚАМЛИ ДАВРДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

УДК: 37.013.8.(575.1)

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_6_1](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_6_1)

ХУРРАМОВ Б.С. РАҚАМЛИ ДАВРДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Мақолада рақамли даврда умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимлари учун яратилган узлуксиз касбий ривожланиш тизими ва уларнинг методик компетентлигини ривожлантириш жараёнлари таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида узлуксиз касбий ривожланиш жараёнининг мазмуни ва касбий малака ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий натижалар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: узлуксиз, тизим, механизм, касбий ривожланиш, узлуксиз малака ошириш.

ХУРРАМОВ Б.С. АНАЛИТИЧЕСКИЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ ОБ ОПЫТЕ УЗБЕКИСТАНА И ПЕРСПЕКТИВАХ РАЗВИТИЯ МЕТОДИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ В ПЕРИОДЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ

В статье анализируется система непрерывного профессионального развития педагогических работников общеобразовательных школ, созданная в цифровую эпоху, а также процессы развития их методической компетентности. На основе проведенного анализа представлены практические результаты по улучшению содержания процесса непрерывного профессионального развития и системы повышения квалификации.

Ключевые слова и понятия: непрерывность, система, механизм, профессиональное развитие, непрерывное повышение квалификации.

KHURRAMOV B.S. ANALYTICAL REFLECTIONS ON UZBEKISTAN'S EXPERIENCE AND THE PROSPECTS FOR DEVELOPING TEACHERS' METHODOLOGICAL COMPETENCE IN THE DIGITAL ERA

The article analyzes the system of continuous professional development for teaching staff in general education institutions, created in the digital era, and the processes of developing their methodological competence. Based on the analysis, practical results for improving the content of the continuous professional development process and the system of qualification enhancement are presented.

Key words and concepts: continuity, system, mechanism, professional development, continuous professional qualification enhancement.

Кириш. Бугунги кунда ҳаётни илм-маърифат ва таълим тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Гўё инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи даражали устувор вазифа сифатида белгиланаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг келажакдаги барқарор тараққиёти, аввало, таълим соҳасида эришилган ютуқлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Таълим ислохотлари жараёнидаги устувор мақсадлардан бири - кадрлар малакасини узлуксиз ошириш масаласидир. Чунки ҳар қандай соҳадаги сезиларли ўзгаришлар, аввало, ходимларнинг малакаси, касбий, психологик ва профессионал даражасини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида кадрлар малакасини ошириш тизимини замонавий талаблар асосида янгилаш, шунингдек, ходимларнинг касбий кўникма ва компетенцияларини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, кадрлар малакасини доимий равишда юксалтириш ҳамда таълим жараёнини инновацион шаклларда ташкил этишга қаратилган фармон ва қарорларда белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш ва уларни замонавий ижтимоий муҳитга мос ҳолда шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сон Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини

тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон ҳамда 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармонлари билан таълим олиш шаклларида бири сифатида масофавий таълим алоҳида қайд этилган.

Мазкур қонун ҳужжатларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби, шунингдек, таълим соҳасида инновацион ёндашувларни жорий этиш, жумладан, масофавий ва аралаш таълим шакллари ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш белгиланган.

Стратегияларда таълим олувчиларнинг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида рақамли таълим ресурсларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш вазифалари устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Шу билан бирга, таълим соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш, ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш мақсадида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг малакасини ошириш тизимида инновацион муҳит яратиш, уни халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда педагогларни тез ўзгарувчан ижтимоий муҳитга мослашиш қобилиятини шакллантириш муҳим вазифалардан бири саналади.

Таълим соҳасидаги ислохотларни ва илмий-инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, замонавий талабларга мос равишда ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш мақсадида малака ошириш ва қайта

тайёрлаш тизимини ривожлантириш катта аҳамият касб этмоқда.

Масофавий ўқитиш имкониятларининг кенгайтирилиши эса таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралиб, таълим соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш орқали мамлакатнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда дунё миқёсида «Lifelong Learning» тамойили асосида узлуксиз малака ошириш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш таълим соҳасининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ушбу жараёнда узлуксиз касбий ривожланиш тизимини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда қиёсий таҳлиллар асосида самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни муваффақиятли тарзда амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Мавзу бўйича илмий изланишлар қисқача таҳлили.

Масофавий таълим, педагог кадрларнинг узлуксиз касбий малакасини ошириш ва ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари республикада қуйидаги олимлари А.Аминов¹, А.Д.Асқаров², У.Бегимқулов, Н.Елдашева³, А.Е.Ибраймов⁴,

Х.Р.Тўхтамов⁵, М.Х.Худойбердиев⁶, А.Раджиев⁷, Ш.Ф.Давронова⁸ ва бошқалар томонидан ўрганилган:

Марказий давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари А.Андреев⁹, М.П.Лапчик¹⁰, А.С.Лесневский¹¹, С.В.Рах¹², Л.А.Струкова¹³, хорижий давлатларда Т.Anderson¹⁴, Z.Berge, J.Daniel, B.Holmberg, M.Dougiamas¹⁵ ва бошқалар томонидан ўз тадқиқотларида масофавий таълим тизими моделлари, уни ривожлантириш масалалари, шакллари, шунингдек, педагоглар малакасини ошириш тизимида масофадан ўқитиш технологияларини қўллаш ва ўқув

⁵Тўхтамов Х.Р. Масофавий таълим учун ўқув-методик материаллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш методикаси. П.ф.н. ... ол.учун ёзилган дис. – Тошкент, 2012. – 6.

⁶Худойбердиев М.Х. Масофадан ўқитиш тизимида адаптивлик ва тимсолларни таниб олиш моделлари. Тех.ф.н. ... ол.учун ёзилган дис. – Тошкент, 1993. – 150 б.

⁷Раджиев А.Б. Халқ таълими тизимида раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни бошқариш самарадорлигини ошириш. П.ф.б.ф.д.(PHD) ... ол.учун ёзилган дис. – Тошкент, 2020. – 153 б.

⁸Давронова Ш.Ф. Таълим сифатини таъминлашда электрон ресурслардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш. П.ф.б.ф.д.(PHD) ... ол.учун ёзилган дис. – Тошкент, 2020. – 160 б.

⁹Андреев А.А. Дистанционное обучение в системе непрерывного профессионального образования. Диссер. на соис. уч. ст. доктора педагогических наук. – <http://www.iet.mesi.ru/dis/oglo.htm>

¹⁰Структура и методическая система подготовки кадров информатизации школы в педагогических вузах. Докт. пед. наук. – Москва, 1999.

¹¹Лесневский А.С. Педагогические программные средства для практической работы школьников по курсу основ информатики и вычислительной техники. Дис. ... канд. пед. наук. Москва, 1988.

¹²Рах С.В. Педагогические возможности использования компьютеров в совершенствовании учебного процесса общеобразовательной школы. Дис. ... канд. пед. наук. – Алма-Ата, 1991.

¹³Струкова Л.А. Состав и структура педагогических программных средств для персональных ЭВМ и их функции в учебном процессе профессиональной школы. Дис. ... канд. пед. наук. – Казань, 1990.

¹⁴T.Anderson. Analysis of a global online debate and the development of an interaction analysis model for examining social construction of knowledge in computer conferencing. Technical writing and communication. Nyu-York, 1997 y. – P. 397-401. (https://auspace.athabasca.ca/bitstream/handle/2149/772/ANALYSIS_OF_A_GLO?sequence=1)

¹⁵M.Dougiamas., P.Taylor. Using Learning Communities to Create an Open Source Course Management System. National Key Centre for Science and Mathematics Education, Australia, 2013 y. (<https://researchrepository.murdoch.edu.au/id/eprint/36645/1/Moodle%20Create.pdf>)

¹Аминов А.К. Умумий ўрта таълим педагог ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари. П.ф.н. ... ол.учун ёзилган дис. – Самарқанд, 2004. – 156 б.

²Асқаров А.Д. Халқ таълими ходимлари малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллаштириш. П.ф.б.ф.д.(PHD) ... ол.учун ёзилган дис. – Тошкент, 2017. – 150 б.

³Елдашева Г.В. Масофавий таълим орқали махсус фан ўқитувчилари малакасини оширишнинг ўқув-услубий таъминотини яратиш. П.ф.н. ... ол.учун ёзилган дис. – Тошкент, 2011. – 164 б.

⁴Ибраймов А.Э. Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари масофавий малака оширишларининг илмий-методик асосларини такомиллаштириш. П.ф.б.ф.д.(PHD) ... ол.учун ёзилган дис. – Тошкент, 2017. – 150 б.

мазмунининг вариативлиги каби масалаларни ёритиб беришган.

Масофавий таълим тизимининг юқорида қайд этилган жиҳатлари хорижий олимлар T.Anderson¹, Z.Berge, P.Taylor, J.Daniel, B.Holmberg, M.Dougiamas²нинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Улар масофавий таълимнинг назарий асослари, моделлари, ривожлантириш йўналишлари ҳамда самарадорлигини ошириш усуллари ёритган.

Мақоланинг илмий моҳияти шундаки, унда умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог ходимларининг малака ошириш жараёнларида масофавий ва анъанавий ўқитишни ривожлантириш масалалари таҳлил қилинган. Гарчи ушбу йўналишда кўплаб тадқиқотчилар томонидан изланишлар олиб борилган бўлса-да, рақамлаштириш даврида педагогларнинг методик компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, ўқув-методик таъминотни кенгайтириш ва эҳтиёжларга асосланган тизимни яратиш бўйича амалий кўникмаларнинг тўлиқ моҳияти етарлича ёритилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог ходимларининг масофавий ва анъанавий малака ошириш жараёнлари бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда қайд этилган муаммо ва ечимларни таҳлилий ўрганиш, шу асосда умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий малакасини самарали ташкил этиш орқали уларнинг методик компетентлигини ривожлантириш имкониятларини очиб бериш бўйича амалий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Навоий вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси

тасарруфидаги Конимех тумани умумтаълим мактаблари раҳбар ва педагог ходимлари ҳамда туман таълими бошқармаси методистлари бўлиб, улар рандом танлаш усули орқали аниқланган..

Тадқиқотнинг субъекти Конимех тумани умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимлар ҳамда туман таълими бошқармаси методистлари.

Тадқиқотда қуйидаги методларидан фойдаланилган: узлуксиз касбий малака ошириш тизими муаммолари ва ечимларини қиёсий таҳлил орқали ўрганиш, анъанавий малака ошириш ва масофавий ўқитиш тизимларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, онлайн сўров.

Тадқиқотнинг эмпирик манбасини анкета сўровномалари, замонавий технологияларни қўллаш, анъанавий малака ошириш ва масофавий ўқув курсларини қиёсий таҳлилидан олинган кўрсаткичлар ташкил этди.

Асосий қисм.

Бугунги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимларининг малакасини узлуксиз равишда ошириш учун қулайликлар яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу йўналишда муҳим қарорлар, фармонлар ва фармойишлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси доирасида белгиланган вазифалар амалиётга изчил жорий этилмоқда. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 25-январдаги «Мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4963-сон қарорида «Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида ҳар бир ходимнинг малака ошириш жараёнларини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобини юритиш имкониятини таъминловчи «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформаси (<http://onlinedu.uz>) фаолиятини юритиш ва такомиллаштириш» вазифаси белгиланган.

¹ T.Anderson. Analysis of a global online debate and the development of an interaction analysis model for examining social construction of knowledge in computer conferencing. Technical writing and communication. Nyu-York, 1997 y. - P. 397-401. (https://auspace.athabascau.ca/bitstream/handle/2149/772/ANALYSIS_OF_A_GLO?sequence=1)

² M.Dougiamas., P.Taylor. Using Learning Communities to Create an Open Source Course Management System. National Key Centre for Science and Mathematics Education, Australia, 2013 y. (<https://researchrepository.murdoch.edu.au/id/eprint/36645/1/Moodle%20Create.pdf>)

Ушбу платформа 2021-йилнинг 1-мартдан бошлаб амалиётга жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 17-январдаги «Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 25-сон қарорида эса халқ таълими ходимларининг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини «ҳаёт давомида ўқиш» тамойили асосида такомиллаштириш белгилаб берилган. Шунингдек, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига таълимнинг кредит-модул тизимини жорий этиш белгиланган.

Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаблари мактаблари раҳбар ва педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимининг тузилмаси, халқ таълими ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши тўғрисидаги низом, халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш ва Реестрини юритиш тартиби белгиланган.

Ушбу қарорларнинг қабул қилиниши умумий ўрта таълим мактаблари мактаблари раҳбар ва педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши тизимини йўлга қўйиш, уларнинг «ҳаёт давомида ўқиш» тамойили асосида доимий равишда ўз касб савияларини такомиллаштириб бориш ва соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш имкониятини беради.

Табиийки, ушбу тизимнинг жорий этилиши, малака ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечими бўла олдими, педагогларнинг узлуксиз касбий кўникма ва малакаларини ошириб бориши учун етарлими, платформа имкониятлари фойдаланувчи талабига тўлиқ жавоб бера оладими деган саволлар пайдо бўлиши мумкин.

Ҳар бир жамиятга талқин этилаётган янгиликлар ўзига яраша фойдали жиҳатлари билан биргаликда бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтириши мумкин. Шу сабабли, ушбу тизимни доимий такомиллаштириб боришни талаб этади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, А.Авлоний номидаги педагог маҳорат миллий институти ва Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ҳамкорликда амалга оширилган «Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятларини ошириш бўйича ёндашувларни мослаштириш ва оммалаштириш» лойиҳаси доирасида, 2022-йил 6-июндан 10-июнгача Навоий вилояти Конимех туман мактабгача ва мактаб таълим бўлимига қарашли мактаб ўқитувчилари ва ҳудудий малака ошириш марказида ташкил этилган ҳафталик курс тингловчиларининг касбий эҳтиёжларини ўрганиш, келгусида узлуксиз касбий малака ошириш таълимида касбий компетенцияларни ривожлантириш ўқув модуллари мазмунини ва янги узлуксиз касбий таълим моделида касбий малакаларини ошириш бўйича тажриба ва таассуротларини ўрганиш мақсадида тадқиқот (интервью, фокус-гурӯҳларда ишлаш, сўровномалар) олиб борилди.

Навоий вилояти Конимех тумани 2022-йил 6-июнь ҳолати бўйича умумтаълим мактабларида жами 1180 нафар раҳбар ва педагог ходимлар, шу жумладан, туман мактабгача ва мактаб таълим бўлими методистлари иш фаолият юритган. Ушбу тадқиқотнинг интервью шакли рандом танлаш йўли билан 36 нафар директордан 16,6% (6 нафар) мактаб директорлари ва 6 нафар фан методистларидан 83,3% (5 нафар) фан методистлари, фокус гурӯҳларда эса 1138 нафар педагог ходимлардан 3,9% (43 нафар) мактаб ўқитувчилари (33 нафар аёл ва 10 нафар эркак) иштирок этди. «Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятларини ошириш бўйича ёндашувларни мослаштириш ва оммалаштириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган сўровномада¹ Конимех тумани бўйича 10,6% (125 нафар) мактаб директорлари, фан методистлари ва мактаб ўқитувчилари иштирок этишди.

Тадқиқотда турли гурӯҳга мансуб, яъни тоифаси бўйича, мактабнинг жойлашув ўрнига кўра, мактабларда таълим тилига кўра, эркак-аёл ўқитувчилар сонига, тажрибасига кўра ўқитувчилар танлаб олинди.

¹ Сўровнома мақола муаллифи томонидан ишлаб чиқилган.

Аниқроқ қилиб айтганда, фокус гуруҳларида 43 нафар иштирокчидан 14 нафари 25 дан 35 ёшгача бўлган, 17 нафари 36 ёшдан 45 ёшгача, 9 нафари 46 ёшдан 55 ёшгача ва қолган 3 нафари эса 56 ёшдан юқори ёшга эга бўлган. Иштирокчиларнинг стажи, жинси, тоифаси ва дарс берадиган фани бўйича маълумотлар ўрганилди. Танлов натижалари қуйидагича келтирилган:

“Менинг профессионал эҳтиёжларим ва мақсадларимга боғлиқ бўлиши керак” деган жавобни 34,9% (15 нафар) иштирокчи танлаган ва 65,1% (28 нафар) иштирокчи танламаган. Танлаган иштирокчиларнинг 40-50% қисми 10 йилдан охиқ педагогик стажга эга эканлиги учун ўз касбини профессионал даражасига оширишга эҳтиёж борлигини ва бугунги кунда малака ошириш тизими ўз касбини профессионалликка чиқаришга хизмат қилса яхши самара бериши ҳақида фикр билдиришган. Ушбу иштирокчилар таъкидлашлари, фақат эҳтиёж Ўзбекистондаги таълим тизимини ўрганишни эмас, балки хорижий мамлакатлардаги ўқитиш тизимини ўрганишга асосланган малака ошириш курсларини ташкил этиш эҳтиёжи борлигини ҳам билдиришган.

Иштирокчиларнинг кўпчилиги томонидан профессионаллик йиллар давомида ўз устида ишлаш орқали шаклланиши мумкинлиги таъкидланди. Ўқув йили давомида ўқитувчининг эҳтиёжлари кўп бўлиши мумкин, ва у вақтнинг кўп қисми фақат малака оширишга сарф этилиши мумкин. Бу жараёни қисқа вақтда амалга ошириш қийинлиги таъкидланди. Иштирокчилар фикрича, ҳозирги малака ошириш марказлари ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжларига мос эмаслиги ва ўтилатган мавзулар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили малака оширишга бориш истаги йўқлигини билдиришган. Шу билан бирга, «фақат эҳтиёж» десак, кўпчилик «менинг эҳтиёжим йўқ» деб малака ошириш жараёниларида иштирок этишдан бош тортиши мумкинлиги ҳақида фикр билдиришган.

“Мен дарс берадиган фан бўйича билимимни ошириши ва шу фанни қандай ўқитиш кераклигини ўргатиши керак” деган фикрни 58,1% (25 нафар) иштирокчи танлаган ва 41,9% (18 нафар) иштирокчи танламаган. Бу малака ошириш турини танлаганлар

сони энг юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Танлаган иштирокчилар 50-60% 25-40 ёш атрофидаги ўқитувчилар бўлиб, дарс берадиган фан бўйича керакли кўникмаларга эга бўлмасагина, ўқувчиларга шу фанни қандай ўқитишни ўргатиш муҳим эканлигини таъкидлашган.

Танловни танламаган иштирокчилар эса, шундайига ҳам иш жараёнида дарс бераётган фан бўйича билим йилдан-йилга шаклланиб бориши ва қандай қилиб ўргатишни мактабдаги устоз ўқитувчилардан ўрганиш мумкинлигини, малака оширишга боришга зарурат йўқлигини билдиришган.

“Ўрганилаётган методикани амалиётда қўллаб кўриш ва бу бўйича тренердан хулоса олиш имконини бериш керак” деган фикрни 41,9% (18 нафар) иштирокчи танлаган ва 58,1% (25 нафар) иштирокчи танламаган. Бугунги кунда мактабда амалиётнинг етишмаётганлиги (объектив ва субъектив сабаблар), шу ўринда малака оширишда кўпроқ назарий билимни беришга эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Ўрганилаётган методикани амалиётда қўллаб кўриш учун аниқ механизм ишлаб чиқиш кераклиги ва бунинг учун малака ошириш учун белгиланган 36 соатлик вақтни 72 соатга кўпайтирган ҳолда, ҳар бир назарий кўникмаларни амалиётда қўллаб, ўзаро фикр алмашиш имкониятини яратиш кераклиги таклиф этилди. Кўпроқ бу таклифлар амалий фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар томонидан билдирилган. Шунингдек, аниқ ва табиий фанлар ўқитувчилари ҳам шу таклифга қўшилишган.

“Менинг кунлик/ҳафталик/ойлик/йиллик иш жадвалимга мос келиши керак (М.О. курсларига қачон боришни ўзим ҳал қилишим керак)” деган фикрни 20,9% (9 нафар) иштирокчи танлаган ва 79,1% (34 нафар) иштирокчи танламаган. Бу малака ошириш турини танламаганлар сони энг юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Иштирокчилар фикрича, ўқитувчиларнинг ўзига яраша доимий иш ва оилавий муаммолари тугамаслиги, ўқитувчиларнинг ўзларига қўйиб берса, умуман малака оширишга бормайдиган ўқитувчилар сони ошиб бориш эҳтимоли юқори эканлиги таъкидланди. Умумий малака ошириш жараёнига боровчиларни таълимни бошқарув тизимидагилар томонидан режа

1-жадвал. Иштирокчиларнинг «Малака ошириш курсларини танлаётганимда, одатда мен нимага эътибор бераман?» деган саволга жавоблари

Т.р.	Жавоблар	Жавобни танлаган иштирокчилар	
		сони	фоизи
1	Курс якунида сертификат берилишига	4	9,3%
2	Курс ташкилотчисига	17	39,5%
3	Ҳамкасбларим ёки мактаб раҳбарияти томонидан тавсия этилишига	17	39,5%
4	Курсларнинг давомийлиги ва вақтига	17	39,5%
5	Курсларда модулла қандай баҳоланишига	19	45,2%
6	Курс мазмунининг касбий эҳтиёжларига мос келишига	22	52,2%

қилиб берганлари маъқуллигини таъкидлашган. Шу билан бир қаторда, битта малака ошириш бўйича тизим дастур яратилиши ва ўқитувчининг малака оширишга бориш вақтини шу тизимли дастур режаси асосида ўзи белгилаб танлаш имконияти яратилиши таклиф этилди.

Танлаган иштирокчиларда эса оилавий муаммолар, мактабдаги ўқувчиларнинг бўш қолиш эҳтимоли катта эканлиги ва ўриндош дарс берадиган ўқитувчининг сифатли дарс бермаслиги туфайли ўқувчиларда малака ошириш даврида ўтилган мавзуларни ўзлаштириш даражаси паст бўлиш эҳтимоли юқори эканлигини таъкидлашган.

“Ҳамкасбларим билан кўпроқ фикр, тажриба ва керакли ахборот (материал) алмашиш имконини бериши керак” деган фикрни 51,2% (22 нафар) иштирокчи танлаган ва 48,8% (21 нафар) иштирокчи танламаган.

Танловни иштирокчилар деярли тенг равишда танлашган. Танламаган иштирокчиларнинг фикрича, ушбу механизм аввалдан мавжуд бўлиб, малака ошириш жараёнида ҳам дарсда, ҳам дарсдан кейин тингловчилар ўзаро фикр алмашиб, тажриба ўртоқлашишни амалга оширмоқдалар. Танлаган иштирокчилар эса, малака ошириш жараёнида туманлардан келган ўқитувчилар билан янгиликлар, кундалик юритиш, синф раҳбарлик ва бошқа масалалар бўйича ўзаро тажриба алмашиш имконияти яратилишини таклиф қилишган. Ушбу жараёнда ўқитувчилар бошқа мактаблар билан ҳам ишлашни, ўқитувчи ўзини устида ишлашга ундайдиган жараёнларни ўрганишини таъкидлашган.

Келтирилган таклифларга асосан, малака ошириш жараёнини тизимлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, ўқитувчиларнинг ўрганган билимларини мактаб ва туманлар орасида

амалий тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйиш муҳимдир.

“Энг самарали дарс ўтиш амалиёти қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб беради ва моделлаштиради” деган фикрни 48,8% (21 нафар) иштирокчи танлаган ва 51,2% (22 нафар) иштирокчи танламаган.

Ушбу танловни ҳам иштирокчилар деярли тенг равишда танлашган. Танлаган иштирокчиларнинг фикрича, малака ошириш жараёнида самарали дарс ўтиш усулларини ўрганиш, янги методикаларни дарс берадиган фанларда қўллаш, амалий дарсларни мактабларда, тарихий жойларда ва бошқа таълим сифатини оширишга қаратилган объектларда ўтиш самарали натижаларни беришини таъкидлашган.

“Курс якунида сертификат берилса” деган фикрга энг кам танлов бўлган. Яъни, 9,3% (4 нафар) иштирокчи танлаган ва 90,7% (39 нафар) иштирокчи танламаган (1-жадвал).

Танлаган иштирокчилар кўп ҳолларда ойлик маош, устама ва рағбатлантириш сертификатга қараб берилгани, ҳар бир жараён якунида тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ўқитувчига мотивация бериши мумкинлигини таъкидлашган. Танламаган иштирокчилар эса ўз касбий фаолиятини ривожлантириш, янгиликлардан хабардор бўлиш ва ўзаро тингловчилар ўртасида тажриба алмашишнинг муҳимлигини таъкидлашган.

“Курс мазмунининг касбий эҳтиёжларимга мос келиши” деган фикрга энг кўп танлов бўлган. Яъни, 52,2% (22 нафар) иштирокчи танлаган ва 48,8% (21 нафар) иштирокчи танламаган.

Танлаган ва танламаган иштирокчилар сони деярли тенг бўлиб, малака ошириш жараёни касбий эҳтиёжларни қондиришга қаратилганлиги, ўқитувчи билимидаги

бўшлиқларни тўлдириш ва эҳтиёжларини қондириш учун курсларга бориш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилган. Шунингдек, кўпчилик ўқитувчиларда дарсликлардаги ўзгаришларни ўзлаштириш, фан йўналиши ва ўқувчилар билан ишлашга доир психология компетенциясини тўлдириш бўйича эҳтиёжлар мавжудлиги ҳамда шу йўналишда курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

“Мактабимиздаги барча ўқитувчилар малака оширишда иштирок этишлари учун тенг имкониятга эга” деган сўровга жавоблар қуйидагича бўлган: 58,1% (25 нафар) иштирокчи қўшиламан, 27,9% (12 нафар) иштирокчи қисман қўшиламан, 2,3% (1 нафар) иштирокчи қатъий қўшиламан ва 11,6% (5 нафар) иштирокчи қўшилмайман деган жавобларни берган.

Бу сўровга қўшилган иштирокчиларнинг аксарияти мактаб томонидан бириктирилган масъул ўқитувчиларнинг малака оширишга бориш вақтини ўзи белгилашлари, шунингдек, мактабда ўқитиладиган дарсларни ўриндош ўқитувчилар билан мослаштириш имкониятини тақдим қилишган.

Сўровга қисман қўшилган иштирокчиларда эса малака оширишга бориш вақти кўпчиликда каникул даврига тўғри келишига интилишларини билдиришган. Лекин мактаб маъмуриятининг бу масалада тўлиқ шароит яратиб бермаслигини таъкидлашган.

“Анъанавий (офлайн) малака ошириш курслари онлайн малака ошириш курсларига қараганда амалийроқ (фойдалироқ)...” сўровига жавоблар қуйидагича бўлган: 69,8% (30 нафар) иштирокчи қўшиламан, 18,6% (8 нафар) иштирокчи қисман қўшиламан, 9,3% (4 нафар) иштирокчи қатъий қўшиламан ва 2,3% (1 нафар) иштирокчи қўшилмайман.

Сўровга қўшилишни танлаган иштирокчиларнинг фикрича, офлайн ўқишда юқори балл тўплаш ва яхши натижаларга эришиш имконияти бор. Онлайн ўқишда эса паст кўрсаткичли балл тўплашганини таъкидлашган. Улар ушбу муаммоларнинг сабаби уйда ва ишда бўш вақтларида курсларни ўқишни, яъни муаммодан ажралиб фақат ўқишга эътибор қаратиш, натижада яхши ўзлаштириш кўрсаткичларига

эга бўлиш имкониятини таъминлашга ёрдам беради, деб ҳисоблашган.

Қисман қўшилган иштирокчилар, аynи вақтда, бир мактабда бир фандан фақат битта ўқитувчи борлигини, малака ошириш даврида ўқувчиларнинг билимида бўшлиқ пайдо бўлиб, кейинги дарсларда уларни тушунишда муаммо туғилишига ишора қилганлар. Шу муносабат билан, бундай шароитда онлайн ўқиш маъқул бўлишини таъкидлашган. Умуман олганда, кўпчилик малака ошириш вақти иш жараёнига халақит бермаслиги кераклигини қайд этган. Агар техник ва интернет тармоқлари билан боғлиқ муаммолар бар-тараф этилса ва етарли имкониятлар мавжуд бўлса, онлайн ўқиш самарали бўлишини билдиришган. Бошқа ҳолда эса, офлайн тарзида ўқишни маъқул кўришган.

Таклиф сифатида, онлайн малака ошириш контентларини ўқитувчиларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган курслар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлишини, лекин амалий фанларни онлайнда ўрганишнинг самарасизлигини, чунки амалий бажариш имконияти онлайнда мавжуд эмаслигини таъкидлашган.

Илмий изланишларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан қуйидаги ишларни амалга оширилиб келинмоқда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон ва 2024 йил 21 июндаги “Мактаб-гача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-231-сон Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 25-сон қарорига мувофиқ қуйидаги амалий ишлар амалга оширилди:

– Ўзбекистон Республикасида мактаб-гача ва мактаб таълими тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларда иштирок этилди. Жумладан, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг АКТ саводхон-

лиги ҳамда информатика ва ахборот технологиялари фанлари ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш бўйича қуйидаги амалий ишлар амалга оширилди:

Хусусан, “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасини такомиллаштириш, “Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчисининг касбий стандартини амалиётга татбиқ этиш”, “Upgrade” ва “Узлуксиз касбий ривожлантириш – 2022” лойиҳалари доирасида АКТ соҳаси ҳамда информатика ва ахборот технологиялари фанлари ўқитувчиларининг касбий салоҳиятини аниқлашга қаратилган тест саволлари, вариатив ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек, ўқув-методик мажмуалар ишлаб чиқилди.

– А.Авлоний номидаги Миллий тадқиқот институти Илмий кенгашининг 2022 йил 27 январдаги 1-баённомасига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган раҳбар ва педагог ходимларнинг узлуксиз касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари натижалари таҳлили асосида ҳаммуаллифликда “Узлуксиз касбий таълим махсус электрон платформаси: халқ таълими ходимларининг узлуксиз касбий компетентлигини ривожлантириш тизими” номли рисола ишлаб чиқилган ва уни амалиётда қўллаш тавсия этилган.

– умумтаълим мактаблари раҳбарлари, педагоглари ҳамда информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари учун 50 дан ортиқ видео дарслар тайёрланиб, <https://onlinedu.uz> электрон таълим платформаси ва YouTube онлайн видео улашиш ва ижтимоий медиа платформасидаги (Bahodir_Khurramov) каналига жойлаштирилган;

– умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун <https://onlinedu.uz> электрон таълим платформаси ва “raqamli_pedagogik_xizmatlar” Telegram канали ташкил этилган бўлиб, узлуксиз масофавий ўқитиш ва методик ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Хулоса ва тавсиялар.

Фокус гуруҳларда олиб борилган суҳбат натижалари офлайн ва онлайн малака ошириш курсларининг сифат самарадорлиги, ўқувларнинг ташкил этилиши, қулайликлари, афзалликлари, ютуқ ва камчиликлари хусусида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

Офлайн малака оширишнинг афзалликлари:

Ҳозирги кунда дунё таълим тизимида онлайн ўқитишга кўпроқ урғу берилмоқда. Лекин фокус гуруҳларда иштирок этган кўплаб ўқитувчиларимиз 50-60% яқини малака оширишда офлайн ўқитиш тизими яхши самара беришини таъкидлашди. Ўқитувчиларнинг юзма-юз мулоқоти, тақдимот таҳлили, гуруҳ муҳокамалари ва бошқа дарс машғулотларини о'з ичига олган офлайн дарслар иштирокчиларнинг аксарияти томонидан ижобий баҳоланди. Ўқитувчилардан дарс жараёнида фаолликни оширувчи интерфаол методларнинг амалиётда қўлланилиши, тингловчиларнинг ўз касбий фаолияти ва таълим муассасаси шароитида келиб чиққан ҳолда дарс машғулотларини самарали ташкил этиш юзасидан амалий кўникмаларни ҳамкасблари етказиши имкониятини яратиб бериши мумкинлиги ҳақида фикрлар берилган. Жумладан, дарсга тайёргарлик кўриш, дарс фаолияти самарали ташкил этиш, ўқувчилар билимини баҳолаш ва бошқа мактаб фаолиятидаги таълим бериш сифатини оширишга қаратилган фикрлар билан уйғунлаштириш имконияти берилган. Фокус гуруҳ иштирокчилари офлайн дарсларда мавзу мазмуни асосий қисмини яхши эслаб қолиши ва баъзи олинган назарий кўникмаларни амалий қўллаш имконияти мавжуд деб билишган, масалан, интерфаол дарс машғулотларида бевосита тингловчига йўналтирилган сўровга асосланган ва турли лойиҳага асосланган таълим ўрганишда ушбу малака ошириш тури яхши самара беришини таъкидлашган. Офлайн дарсларда тингловчиларнинг ижобий ва салбий томонларини кўриш, руҳий ва психологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш усулларини ўзгартиришга ҳаракат қилганликларини таъкидладилар.

Шу билан бир қаторда, 30% га яқин иштирокчилар томонидан офлайн дарсларни ташкил этишда шарт-шароитларнинг яратилиши ва дарс машғулотларининг сифат самарадорлигини оширишга қаратилган **бир қатор тақлифлар** ҳам бериб ўтишди. Жумладан:

1) тренерларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ошириш;

2) амалий машғулотлар сифати ошириш мақсадида етарли ўқув жиҳозлари билан таъминлаш;

3) аудиториядан ташқари машғулотларни кўпайтириш (саёҳат, мактаб фаолиятини ўрганиш ва соҳа доирасидаги объектларда кўчма машғулотлар ташкил этиш);

4) офлайн ўқиш муддатини 36 соатдан 72 соатга ошириш ва 36 соатни фақат амалий кўчма машғулотлар сифатида режалаштириш;

5) офлайн ўқийдиган тингловчилар учун молиявий қўллаб-қувватлаш (йўл харажатлари, кунлик харажатлар, ётоқхона ва ўқув фаолияти билан боғлиқ харажатлар).

Албатта, офлайн ўқиш жараёнида ҳам бир қатор муаммоларнинг юзага келиши натижа-сида онлайн малака оширишга эҳтиёж ортиб бораётгани ҳақида ҳам суҳбат давомида **иштирокчилар томонидан фикрлар** билдирилган. Жумладан:

- бир ойлик малака оширишда ўқитувчилар томонидан ортиқча сарф-харажатлар қилиш эҳтимоли, бу муаммо ечими эса платформа орқали малака ошириш харажатларидан озод этиш имконини яратганлиги;

- иш фаолиятида узилиш бўлмаслиги;

- ходимларнинг яшаш ва ишлаш жойидан бир ойга ажралишига ҳожат қолмаслигини;

- мустаҳкам таълим шаклида «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформа-сидан фойдаланган ҳолда малака оширишда ўқиш муддатлари ва суръатларини ходимнинг ўзи белгилаши;

- ўқувчилар таълим олишда ва таълим сифатида узилишлар олдини олиш имконини яратиш;

- тизимнинг энг яхши амалиётлари ва энг сифатли таълим контентлари билан тани-шиш имконияти яратилганлиги;

- платформадан компьютер, планшет ёки телефон орқали локал тармоғи орқали фойдаланиш имконияти мавжудлиги;

- коррупция омилларини бартараф этиш. Яъни, битирув малака иши, якуний атте-стация ва тестлардан воз кечиш, турли орқали имтиҳонлардан озод қилиш;

- ўқитувчилар малака оширишга бор-ганда ўрнини бошқа ўқитувчи билан қоплаш муаммоси бартараф этилганлиги.

Онлайн малака оширишнинг афзалликлари:

- тингловчи ишдан ажралган ва ажрал-маган ҳолда эркин ўқиши;

- АКТ саводхонлигини янада оши-риш, электрон дарсликлар ва таълимий ўйин дастурларидан фойдаланиш кўникмасини оширишга хизмат қилиши;

- педагог таълим йўналиши блокларида белгиланган вақт оралиғида, ўзининг бўш вақтига мослаган ҳолда таълим олиши;

- таълим олишда масофанинг аҳамияти йўқлиги ва айнан бирор ўқув хонасида эмас, балки ўзига қулай бўлган жойда АКТдан фой-даланган ҳолда ўқув блокларида берилган топшириқларни бажариши мумкинлиги;

- педагогнинг ўз амалий фаоли-тида керакли бўладиган дидактик материал-ларни, маърузаларни кўчириб олиб таҳлил этиши ва ўрганиб чиқиб, ўқув блокларидаги топшириқларни бажариш имконияти;

- ўқув блокларидаги бериладиган топшириқни қайта бажариш имкониятининг мавжудлиги (қайта топшириш имконияти чекланганлигини ҳисоб олган ҳолда);

- модераторлар томонидан тушунти-риш ишлари жойларда ташкил қилинганлиги ва ўқитувчиларда пайдо бўладиган муаммоли вазиятлар, саволлар бўйича амалий ёрдам бераётганлиги;

- интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланиш кўникмаси яна оширилиши, таъ-лим самарадорлигини оширишдаги имкони-ятларни яратиш.

Шу билан бирга, тажриба курсини ўташ жараёнида ўқитувчилар олдида турган қуйидаги **муаммолар** аниқланди:

1) курс топшириқларини бажаришда бошқа тингловчи ўрнига бажариш мумкинли-гини олди олинмаганлиги;

2) мураббийларнинг фаоллиги ва мажбу-риятларининг йўқлиги;

3) курс контент материалларининг диа-гностика натижаларига асосланган ҳолда тақдим этиш имкониятининг йўқлиги;

4) курсда берилаётган топшириқларни бир турда берилганлиги ва офлайн баҳолаш механизми ёки мантиқий фикрлайдиган топшириқларнинг йўқлиги;

5) вариатив контентнинг етарли эмаслиги (видеолар, тақдимотлар, амалий ишлар) ва бошқа тилларда контентнинг йўқлиги;

6) синхрон компонентларнинг этмаслиги.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва кела-жакда курс контент материалларини кен-

гайтириш учун қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди:

1. Курс компонентларини баҳолаш/синовни ўтқишида мантиқий топшириқлар киритиш.

2. Курс мазмунини доимий равишда янгилаб туриш.

3. Тингловчи ва ўқитувчи (тьютор) ўртасида ўзаро фаол маълумот алмашинуви таъминлайдиган кўпроқ синхрон/жонли компонентларни киритиш.

4. Платформадан тингловчининг фойдаланиш интерфейси тизимларини янада такомиллаштириш ва фойдаланувчиларнинг қулайлигига эътибор қаратиш.

5. Платформанинг мобил версиясини ишлаб чиқиш.

6. Тингловчиларнинг АКТ бўйича кўникмаларини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш.

7. Тьюторларнинг вазифаларини, мажбуриятларини таълим мазмунини такомиллаштиришга мос ҳолда қайта белгилаб бериш.

8. Сифатли вариатив курс контент материаллар сонини ошириб бориш.

Ушбу йўналишлардаги билимларни кенгайтириш ва амалиётда қўллаш учун контентлар яратиш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини янада такомиллаштириш ва таълим тизimini самаралироқ қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июндаги “Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ -231-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 25-сон қарори.

6. Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 2000. – Б. 23-24.

7. Раджиев А.Б. Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимларининг касбий ривожланишини ташкил қилишга замонавий ёндашувлар // Халқаро илмий-амалий конференция. – Наманган, 2020. – Б. 103-106.

8. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими: амалий қўлланма – Тошкент: Lesson Press, 2020. – Б. 28-36.

9. Бегимқулов Ҳ.Ш., Халиков Э.М. Педагог-кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда рақамли технологияларининг ўрни // НамДУ Илмий ахборотномаси. – 2023. – № 5. – Б. 390–393.

10. Маматалиев Т., Муродуллаев Ш. Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби: методик қўлланма. – Тошкент: Sano-Standart, 2023. Б. 21-23.

11. Жуманиёзова М.Т. Ўқитувчининг касбий креативлигини такомиллаштириш технологиялари: монография. – Тошкент: Metodist nashriyoti, 2023. – Б. 125-146.